

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҚОРАМОЛ ЧОРВАЧИЛИГИНИНГ
ХУДУДИЙ ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Турдимамбетов И.Р.,
Жолдасов А.С.
Қорақалпоқ давлат
университети, Ўзбекистон

Аннотация: в данной статье рассматривается динамика развития животноводства и его территориальная организация в Республике Каракалпакстан.

Ключевые слова: животноводческая сеть, крупный рогатый скот, коровы, земельный фонд, пастбищный фонд, региональные различия.

Abstract: In this article, the development dynamics of cattle breeding in the Republic of Karakalpakstan and issues of its territorial organization are studied.

Keywords: Livestock, large-horned cattle, cows, land fund, pasture fund, territorial difference.

Чорвачилик – мамлакатимиз кишлок хўжалиги соҳасида ялпи маҳсулот хажми бўйича деҳқончиликдан кейин турса ҳам сўнгги йилларда ушбу тармоқни жадал ривожлантириш учун давлатимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь куни «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» давлат дастури тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат. Дастурнинг 32-мақсадида мамлакатимизда чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш масалаларига қаратилган¹.

Шунингдек, дастурда мамлакатда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий усуллари кенг жорий этиш, кооперация муносабатларини ривожлантириш, чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мазкур соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланишни ташкил этишдир.

Қорақалпоғистонда чорвачилик деҳқончилик каби кишлок хўжалигининг асосий тармоқлари сифатида ўзининг ривожланиш тарихига эга. Бинобарин, чорвачилик тармоғининг ривожланиши биринчи навбатда, аҳолини сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминласа, иккинчидан унинг хом ашё маҳсулотларидан энгил ва озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилади.

¹ «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон Фармони. Тошкент ш., 28 январь, 2022 йил.
<https://lex.uz/docs/5841063>

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Республикада чорвачиликнинг қорамолчилик, қўй ва эчкичилик, йилқиччилик, туячилик, чўчқаччилик, паррандачилик, балиқчилик, пиллачилик, асалариччилик ва бошқа соҳалари мавжуд.

Қорақалпоғистонда **қорамолчилик** қадимдан аҳолини сут, гўшт ва тери билан таъминлаш мақсадида кенг ривожланиб келган чорвачилик соҳаларидан биридир. Ушбу тармоқнинг шаклланишида асосан минтақанинг қулай табиий шароити муҳим омил ҳисоблаган. Шу билан бирга, маҳаллий аҳолининг чорвачилик соҳаси бўйича бой тажрибаларини ҳам омил сифатида қараш мумкин.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, гўшт ва сут йўналишидаги чорвачиликнинг гўшт ва жун йўналишидаги яйлов чорвачилигидан фарқли томони у асосан шаҳар атрофи ёки қишлоқ хўжалигининг экин экиладиган минтақаларида ривожланади. Шу боис, гўшт ва сут йўналишидаги шаҳар атрофи чорвачилигининг ривожланиши экин майдонлари ҳамда гўшт ва жун йўналишидаги яйлов чорвачилигининг ривожланиши эса яйлов майдонлари билан таъминланганлик даражаси билан бевосита боғлиқ бўлади.

Аҳолини сифатли ва арзон сут маҳсулотлари билан таъминлашда **сигирларнинг** бош сони, унинг кўпайиши ва насли муҳим аҳамиятга эга. Қорақалпоғистонда йирик шохли қорамоллардан сигирларнинг улуши йил сайин камайиб бормоқда. 2000-2022 йилларда бу кўрсаткич 42,8 фоиздан 29,0 фоизгача камайган. Лекин, уларнинг бош сони 162,5 мингдан 340,6 минг бошга, яъни 2,1 баробарга кўпайиб, ўртача йиллик ўсиш эса 5 фоизни ташкил этган. 2000-2010 йилларда сигирларнинг бош сонининг ўсиш даражаси 146,3 фоизга, 2010-2020 йилларда эса 134,9 фоизга тенг бўлган.

Кўрилаётган даврда сигирлар бош сонининг динамикаси мавжуд хўжалик таркиблари бўйича ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Масалан, бу даврда уларнинг бош сони фермер хўжаликларида 6,0 мингдан 25,8 минг бошга, ёки 4,3 баробарга, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 136,3 мингдан 308,2 минг бошга, ёки 2,3 баробарга кўпайган бўлса, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда унинг сони 20,2 мингдан 6,7 минг бошга, яъни уч баробарга камайган. Бунинг натижасида ушбу турдаги чорва молларнинг хўжаликлараро улуши фермер хўжаликларида 3,7 фоиздан 7,6 фоизга, деҳқон хўжаликларида 83,9 фоиздан 90,5 фоизга ошган бўлса, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 12,4 фоиздан 2,0 фоизгача камайган.

Сигирларнинг бош сони бўйича ҳам Амударё, Беруний, Тўрткўл ва Эллиққалъа туманлари олдинда туради. Тадқиқ этилаётган даврда ушбу туманларда сигирларнинг бош сони 75,8 мингдан 159,0 минг бошга, яъни икки баробардан кўпроқ ўсган ва унинг улуши эса 46,6 фоиздан 46,7 фоизга ўзгарган, холос. Сигирларнинг бош сони энг кам Қонликўл, Мўйноқ ва Тахиатош туманлари ҳисобланади. Мазкур туманларда сигирларнинг бош сони 11,9

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

мингдан 30,2 минг бошга, деярли уч баробарга кўпайган бўлса, унинг республикадаги улуши эса 7,3 фоиздан 8,9 фоизга ўсган.

Тадқиқот даврида сигирлар бош сонининг ўсиши ҳудудий жиҳатдан, яъни қишлоқ туманлари бўйича ҳам катта тафовутларга эга бўлди. Жумладан, 2000-2022 йилларда сигирларнинг бош сонининг кўпайиш даражаси бўйича қишлоқ туманлари бир биридан катта фарқ қилади. Масалан, кузатилаётган даврда сигирларнинг бош сони энг кўп Тахиатош туманида (5,9 баробар) ва энг кам Хўжайли туманида (142,1 фоиз) ўсган. Шу боис, мавжуд қишлоқ туманларини қуйидаги уч гуруҳга ажратдик.

Биринчи гуруҳдаги Тахиатош ва Тахтакўпир туманларида кўрилаётган йилларда сигирлар бош сонининг кўпайиши 3,1 баробардан, ўртача йиллик кўпайиши эса 10,1 фоиздан юқори бўлган. Натижада ушбу гуруҳдаги туманларда жами республикадаги сигирлар улуши 4,8 фоиздан 9,0 фоизга ошган. Мазкур гуруҳга республика ҳудудининг 12,8 фоизи ва экин ерларининг 6,0 фоизи тўғри келади. Сигирлар бош сонининг бундай тез суръатда кўпайишига Тахтакўпир туманида қулай табиий шароит омилини ҳамда Тахиатош туманида маъмурий ҳудудий тузилишининг ўзгариши, яъни Тахиатош шаҳрининг туманга айлантирилиши ва Хўжайли тумани ҳудуди бир қисмининг ушбу туманга ўтиши асосий омил бўлган.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ туманларининг сигирлар бош сонининг ўсиш даражаси бўйича гуруҳлаштирилиши

Гуруҳлар ва маъмурий бирликлар	Ўсиш даражаси, (баробар)	Сигирлар улуши, (фоиз)		Ҳудуд улуши, (фоиз)	Экин ерлар улуши, (фоиз)
		2000	2022		
Тахиатош, Тахтакўпир	3,1 дан юқори	4,8	9,0	12,8	9,4
Амударё, Беруний, Кегайли, Мўйноқ, Нукус, Шуманай, Элликқалъа туманлари, Нукус шаҳри	2,1-3,0	50,9	53,5	30,4	41,6
Бўзатов, Қораўзак, Кўнғирот, Қонликўл, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой	2,0 дан кам	44,4	37,6	56,7	49,0

Жадвал ҚР статистик бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Иккинчи гуруҳдаги туманларда кўрилаётган даврда сигирлар бош сонининг кўпайиши 2,1 дан 3,0 баробаргача, унинг ўртача йиллик кўпайиши 4,5-10,0 фоиз атрофида бўлган. Бунинг натижасида ушбу гуруҳдаги туманларда республикадаги жами сигирларнинг улуши 50,9 фоиздан 53,5 фоизга ошган. Иккинчи гуруҳга республика ҳудудининг 30,4 фоизи, экин ерларининг эса 41,6 фоизи тегишли. Ушбу гуруҳга Қорақалпоғистоннинг асосий чорвачилик

туманлари ва Нукус шаҳри киради. Шунингдек, гуруҳдаги туманларнинг географик жойлашуви ҳам бир хил эмас.

Учинчи гуруҳдаги туманларда тадқиқ этилаётган даврда сигирлар бош сонининг кўпайиши 2,0 баробардан ва унинг ўртача йиллик кўпайиши 4,4 фоиздан кам бўлган. Натижада ушбу гуруҳда сигирларнинг республикадаги улуши 44,4 фоиздан 37,6 фоизга камайган. Ҳолбуки, ушбу гуруҳга республикада худудининг 56,7 фоизи, экин майдонларининг эса 49,0 фоизи тўғри келади. Географик жойлашуви бўйича асосан шимолий туманларни ташкил этади. Тўрткўл ва Хўжайли туманлари бундан мустасно. Сув ресурсларининг танқислигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу туманлар истикболда чорвачилик, айниқса яйлов чорвачилиги ривожланган туманларга айлантириш уларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг асосий омили сифатида қаралиши мумкин.

2022 йили республикада сигирларнинг бош сони бўйича энг кўп Амударё тумани (45,3 минг бош) ва энг кам Тахиатош тумани (9,6 минг бош) ўртасидаги нисбий коэффицент 4,7 га ва экин майдонлари бўйича энг кўп Чимбой тумани (41,2 минг га) ва энг кам Тахиатош тумани (6,8 минг га) ўртасидаги бу кўрсаткич 6,1 га тенг.

Хулоса қилиб айтганда, бундай худудий номутонасибликларни камайтириш, чорвачиликнинг қорамолчилик соҳасини ривожлантиришда қишлоқ туманларининг табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллари ва имкониятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Бундай ишларни амалга ошириш қорамол чорвачилиги самарадорлигининг ўсишига, улардан олинадиган сут ва гўшт маҳсулотлари кўпайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида аҳолини сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан таъминлашга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Embergenov N., Joldasov A., Oteuliev M. [Some issues of development of livestock sectors in the Republic of Karakalpakstan](#). - Экономика и социум, 2020.
2. Joldasov A.S. Qoraqalpog'iston Respublikasida chorvachilikni rivojlantirish va hududiy tarkibini takomillashtirish. Geografiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – Nukus, 2024. – 144 b.
3. Турдимамбетов И.Р., Жолдасов А.С. Қорақалпоғистон Республикасида яйлов чорвачилигини ривожлантириш масалалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 1-қисм, Самарқанд, 2023 йил 12-13 май.
4. Умаров Е.К. Проблемы совершенствования территориальной структуры производительных сил Республики Каракалпакстан. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. док. геогр. наук. – Т., 2003. – 48 с.